

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ
СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

“Менежмент ва жисмоний маданият” кафедраси

И.Р.Абдураимов

**“Фан ойликлари”ни ўтказишда замонавий педагогик
технологиялардан фойдаланиш”**



Гулистон-2015

ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ**

“Менежмент ва жисмоний маданият” кафедраси

И.Р.Абдураимов

**“Фан ойликлари”ни ўтказишда замонавий педагогик
технологиялардан фойдаланиш”**

Муаллиф:

И.Р.Абдураимов
“Менежмент ва жисмоний маданият”
кафедраси мудири

Тақризчи:

А.Болибеков.
СВПҚТМОИ Маънавий-маърифий
ишлар проректори , филология
фанлари номзоди

Нашр учун масъул:

А.Эшмуродов.
СВПҚТМОИ ўқув-методик ва
илмий ишлар проректори.

Мазкур методик қўлланма СВПҚТМОИ 2015
йил “ 2” ойдаги Илмий-методик Кенгашининг №
мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилди.

Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 11 сентябрдаги «Умумтаълим муассасаларида “Фан ойликлари”ни ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 252-сонли буйруғи асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Умумтаълим муассасаларида Фан ойликларини ўтказиш тўғрисида»ги 16-сонли буйруғи (18.01.2007) асосида “Фан ойликлари” ўтказилиб келинмоқда. Фан ойликлари давомида таълим муассасаларида очик дарслар ва тадбирлар ташкил этилиб, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишлари, ҳозирги замон фан ва техникасини ўрганишга бўлган интилишлари ўсди. Фанлар бўйича ўқув методик ишлар жонлантирилди, ўқитувчиларнинг ижодий фаоллиги ошди.

Фан ойликларини ўтказиш жараёнида баъзи бир фанларга етарлича эътибор қаратилмаётганлиги ҳамда ушбу фанлардан ўқувчиларнинг билим самарадорлиги талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

Фан ойликларини ўтказиш самарадорлигини ошириш, таълим муассасаларида тизимли ва барча умумтаълим фанларини қамраб олган ҳолда ташкил этиш, ўқитувчилар ижодий фаолликларини кучайтириш, истеъдодли, изланувчан, ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш ва тарғибот қилиш, таълим сифатини ошириш ҳамда таълим жараёнида қўлланилаётган услубларни такомиллаштириш ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 11 сентябрдаги «Умумтаълим муассасаларида “Фан ойликлари”ни ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 252-сонли буйруғи.

1. Халқ таълими вазирлигининг 2009 йил 11 сентябрдаги «Умумтаълим муассасаларида “Фан ойликлари”ни ўтказишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 252-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Умумтаълим муассасаларида “Фан ойликлари”ни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тасдиқланган фан ойликларини ўтказиш тартиби 2-иловага, ўтказиш бўйича йўриқнома 3-иловага мувофиқ ижро учун қабул қилинсин.

4. Вилоят методика маркази

-умумтаълим муассасаларида “Фан ойликлари”нинг юқори савияда ўтилишини таъминлаш, ҳар ой якунлари бўйича ҳисоботларни олиш ва таҳлил қилиш, йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан тавсиялар тайёрлаш ҳамда раҳбариятга маълумот бериш;

- ўқув йили давомида умумий ўрта таълим муассасаларида ўтказиладиган фан ойликларини ташкил этиш юзасидан методик ва амалий ёрдам бериб бориш;

- “Фан ойликлари”нинг ўтказилганлиги ҳақидаги ҳисоботларни мунтазам равишда ойлик тугагандан кейин 1 ҳафта муддатда Республика таълим марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Халқ таълими бўлими мудирлари ва вилоят тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарларига:

-умумтаълим муассасаларида “Фан ойликлари”ни ўтказиш бўйича йўриқнома ва тартибни барча таълим муассасаларига етказиш;

-юқори савияда ўтишини шахсан назоратга олиш ва ўтказилишини маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминлаш;

-“Фан ойликлари”нинг ўтказилганлиги ҳақидаги ҳисоботларни мунтазам равишда ойлик тугагандан кейин 2 кун муддатда Вилоят методика марказига тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. “Маърифат чашмаси” газетаси бош муҳаррири (Б.Абдуллаев)га:

-умумтаълим муассасаларида фан ойликларининг ўтказилишига доир меъёрий ҳужжатларни ҳамда ўтказиш жараёнини газета саҳифалари орқали чоп этиш ва тарғибот-ташвиқот қилиб бориш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан бошқарманинг 2007 йил 25 январдаги “Фан ойликларини ўтказиш тўғрисидаги” 17/1-сонли буйруғи ўз кучини йўқотганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ушбу буйруқ бажарилишини назорат қилиш бошқарма бошлиғининг ўринбосари А.Мамарасулов зиммасига юклатилсин.

“ФАН ОЙЛИКЛАРИ”НИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

№	Фан ва йўналишлар номи	Ўтказиш муддати
1	География, иқтисодий билим асослари	Сентябр
2	Филология йўналишидаги фанлар (она тили ва адабиёт, ўзбек тили, қozoқ тили, тожик тили, қирғиз тили, туркман тили, қорақалпоқ тили)	Октябр
3	Рус тили ва адабиёти (ўқиш тили рус тилида олиб бориладиган мактабларда ҳамда таълим тили ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларида)	Ноябр
4	Миллий истиқлол ғояси туркумидаги фанлар	Декабр
5	Ижтимоий фанлар (тарих, ҳуқуқ)	Январ
6	Аниқ фанлар (математика, информатика)	Феврал
7	Жисмоний тарбия ва табиий фанлар (физика, биология, кимё)	Март
8	Эстетик йўналишдаги фанлар (тасвирий санъат, чизмачилик, мусиқа, меҳнат таълими)	Апрел
9	Хорижий тиллар (инглиз, немис, француз тиллари)	май

Фан ойликларини ташкил этиш

Умумтаълим мактабларида фанлар қай даражада ўқитилаётганлиги, шунингдек, ўқувчиларнинг фан йўналишларидаги Давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштираётганликлари ҳолати таълим мазмунининг сифат даражаси билан белгиланади.

Таълим сифат самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири фан ойликларини ўтказишдир. Фан ойликлари иқтидорли ўқувчиларнинг қобилиятларини маълум бир мақсадга йўналтириш, истеъдодли, изланувчан, ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштирилган ҳолда тарғибот қилиш, улардаги ижодий қобилиятларни ўстириш, таълим-тарбия жараёнида қўлланилаётган методларини такомиллаштириш мақсадида ўтказилади.

Фан ойликларини ўтказишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланади:

таълим муассасаларида ўқув тарбия жараёнининг сифатини, фан ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш, уларнинг қобилияти ва истеъодларини рўёбга чиқариш;

умумтаълим мактабларида фанларни ўқитишда қўлланилаётган замонавий методларни, педагогик технологияларни аниқлаш ва таълим-тарбия жараёнидаги натижаларини тарғибот қилиш;

педагогларнинг ижодий фаоллигини ошириш, уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш;

синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг ўқув жараёни билан узвийлигини таъминлаш;

Давлат таълим стандартлари талабларини бажаришда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижодий ҳамкорлигини ташкил этиш;

фанларнинг ўзига хос хусусиятларини кенг оммага тарғиб қилиш;

Фан ойликларини ташкил этиш орқали фан уюшмалари ва методбирлашмалар фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

фанлар бўйича ўқув- методик ишларни амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш.

Фан ойликларини ташкил этиш ва ўтказишга вилоят халқ таълими бошқармалари қошидаги Методик марказлар масъул. Фан ойликлари умумий ўрта таълим мактабларда, туман ва вилоят миқёсида ташкил этилиб, унинг узвийлигини таъминлаш учун режа тузилади. Режа тузишда умумий ўрта таълим мактаблари, туман ва вилоятда ўтказиладиган тадбирлар муддати аниқ кўрсатилиши ва тадбирларни амалга оширувчи масъул шахслар белгиланиши зарур.

Умумий ўрта таълим мактабларида фан ойликлари методбирлашмалар томонидан ташкил этилиб, ўтказишга мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари ва фан методбирлашма раҳбарлари масъул ҳисобланади.

Умумтаълим мактабларида ўтказиладиган фан ойликлари 4 ҳафтадан иборат бўлиб, ҳар бир ҳафта учун аниқ бир йўналиш асосида тадбирлар режалаштирилади (мазкур тадбирлар мактабнинг йиллик иш режасига киритилади, педагогика кенгашида тасдиқланиб, ижроси муҳокама қилинади. “Фан ойликлари”ни мақсадга мувофиқ, талаб даражасида ўтказиш мақсадида тузилган режа фан услубий бирлашма йиғилишида кўриб чиқилиб, маъқулланади ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан тасдиқланади) унинг бажарилиши мониторинги олиб борилади ва рейтинг кўрсаткичи белгиланади

Фан ойликлари ўтказилишида фан арбоблари, мутахассислар, фаннинг тараққиётига ҳисса қўшаётган инсонлар, шунингдек «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови иштирокчилари, Республика ва халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлиб, имтиёзли олий ўқув юртларига кирган собиқ ўқувчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилган ҳар бир фан ойликларини якуни методбирлашма ва чорак якунида мактаб методика, педагогика кенгашларида муҳокама, таҳлил этилади.

Туман ХТБ Методика кабинетлари умумий ўрта таълим мактабларида олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириб бориш билан биргаликда, туман миқёсида ҳам тадбирлар ўтказишни режалаштиради.

Туманда ташкил этиладиган ва ўтказиладиган фан ойликларига туман ХТБ методика кабинети мудири, ушбу фан бўйича методист ҳамда фан уюшмаси раиси масъул ҳисобланади. Тумандаги фан ойликлари режасидаги белгиланган тадбирлар фанлар бўйича белгиланган методик кунларида ташкил этилади.

Фан ойлиги даврида ҳафтанинг бир куни белгиланиб вилоятда очик эшиклар куни ташкил этилади. Унда соҳага масъул ходимларининг фаннинг ривожланишига қўшаётган ҳиссаси кўрсатилади. Яъни, дарслар кузатилади ва таҳлил этилади, кутубхона фондиди бойитишга ҳисса қўшилади, фан хоналарини жиҳозлаш ва кўргазмалар билан бойитишга ёрдам берилади. Касбга йўллаш ишлари ташкил этилади. Вилоятда шу фаннинг ривожланишига ҳисса қўшаётган инсонларнинг олиб бораётган ишлари тарғибот қилинади. Давра суҳбатлари ташкил этилади.

Фан ойликларининг якуни туман халқ таълими бўлими ва вилоят халқ таълими бошқармалари ишлаб чиқариш йиғилишларида муҳокама қилиниб таҳлил этилади.

Амалга оширилган ишларнинг натижаларини таҳлил этиш ва галдаги вазифаларни

белгилаш учун якуний ҳисоботлар юзасидан умумтаълим муассасасалари (3 кун

муддатда) туманга, туманлар (2 кун муддатда) вилоят таълим марказларига вилоят

таълим марказлари (1 ҳафта муддатда) Республика таълим марказига “фан ойликлари”ни

ўтказиш бўйича ҳисобот топширадилар.

Ҳисобот ёзма ва тасдиқланган жадваллар кўринишида тайёрланади.

Ҳисоботда:

- тасдиқланган режадаги тадбирларнинг бажарилиш мониторинги;
- ўқувчиларнинг янги таҳрирдаги ДТС бўйича ўзлаштириши лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларнинг мониторинги таҳлили натижалари ҳамда фан ойлиги давомида ўтказилган тадбирларнинг билим самарадорлигига таъсири;
- ўқувчиларни фанга қизиқтиришда уларни янги таҳрирдаги давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма, малакаларни эгаллашларида жиҳозланган мактабларда лаборатория ишларининг бажарилиши тўғрисидаги асосли маълумотлар;
- интернетнинг WEB саҳифасида фан ойлиги ҳақида ҳамда бажарилган ишлар, ўтказилган тадбирлар ва уларнинг натижалари бўйича берилган маълумотлар;
- фан ойлиги якунига бағишлаб ўтказилган фестивал ҳақидаги маълумотлар ҳамда таклиф ва мулоҳазалар ўз аксини топиши керак.

Фан ойлигида ўтказилган тадбирлар

№	Туманлар	Тадбир номлари (иштирокчиларни сони жами ўқитувчига нисбатан фойизи)				
	Жами:					

Фан хоналарининг жиҳозланиши

№	Туманлар	Жами мактаблар сони	Давлат умуммиллий дастури асосида жиҳозланган мактаблар сони	Ўқув лаборатория асбоб ускуналари	Техника воситалари (кодоскоп, видеоглаз, диапроектор)	Компьютер синфи
	Жами:					

Дарслик, ўқув қўлланма ва дидактик материаллар билан таъминланганлиги

№	Туманлар	Ўқувчилар сони	Дарслик билан таъминланганлик %	Фан ўқитувчилари сони	Ўқитувчиларнинг ўқув методик қўлланмалар, дидактик материаллар билан таъминланганлиги
	Жами:				

Ўқувчилардан фан ойлиги бошланишида ва якунида олинган тест топшириқлари мониторинги

№	Туманлар	Тест синовида қатнашган ўқувчилар сони		Фан ойлиги бошланишида олинган тест топшириқлари натижалари самарадорлиги %		Фан ойлиги якунида олинган тест топшириқларида қатнашган ўқувчилар сони		Фан ойлиги якунида олинган тест топшириқлари натижалари самарадорлиги %	
		6-9 синф	10-11 синф	6-9 синф	10-11 синф	6-9 синф	10-11 синф	6-9 синф	10-11 синф
	Жами:								

Узлуксиз малака ошириш тизимида методбирлашма

фаолиятининг ўрни

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кадрларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш мутахассисларнинг назарий

билим, амалий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш долзарб масала сифатида эътироф этилади. Педагог кадрларнинг касбий етуклиги, уларнинг сифатини таъминлашда алоҳида ўрин тутди. Фан таълим соҳасида юзага келган муаммоларнинг ижобий ечимини топишда фаол иштирок этади, таълим жараёнида илм-фан, техника ва технология ютуқларидан фойдаланишнинг шарт-шароитларини ўрганади. Ушбу жараёнга илғор технологияларни тadbиқ этишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида амалга оширилган таълимий ислохатлар малакали кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан қайта шакллантиришни тақозо этади. Айни вақтда таълим жараёнини ташкил этиш, мутахассисларнинг чуқур касбий билим ва малакага эга бўлишларини таъминловчи илғор, технологик ҳарактердаги ёндашув қарор топмоқда.

Таълимни ривожлантириш тизимининг янги йўли бу халқнинг бой, ўзига хос маданий-тарихий анъаналарига, умуминсоний қадриятларга, миллий ва жаҳон педагогика фани ютуқларига, маънавий ва маданий қадриятларига мурожаат этган ҳолда педагог кадрлар малакасини ошириш ўқув муассасаларида тажриба орттириш, доимий ҳаракатдаги малака ошириш тизимини яратиш, хорижий мамлакатларнинг таълим муассасаларида тажриба алмашиш, ижодий фаолиятни олиб бориш, уларнинг турли илмий анжуманларда иштирок этишларини таъминлаш, мустақил ўқиб билим орттириш жараёнлари, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг юқорида баён қилинган асосий турларини ва шакллари узлуксиз таълим тизимининг барча турлари учун умумий ҳисобланишини эътироф этиш зарур. Шу билан бирга таълимнинг ҳар бир тури алоҳида ҳолда уларга кадрлар тайёрлашнинг хусусияти билан боғлиқ равишда педагог кадрлар малакасини оширишнинг бошқа шаклларига ҳам эга бўлиши мумкин.

Педагог кадрлар учун малака оширишнинг тегишли шаклини танлаш ўқув-тарбия жараёнининг сифат мониторинги (диагностика) натижалари

билан белгиланади. Ўқув йили мобайнидаги ҳар бир педагогнинг касбий малака даражаси, давлат талабларига мувофиқ белгиланади.

Ўқитувчиларнинг малака ошириш курслари ҳамда кейинги иш фаолияти даврида ўқитувчиларининг касбий маҳоратини такомиллаштиришда таълим технологияларидан фойдаланишнинг мазмунини ёритишнинг самарали шакллари, методлари, педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш, ўқитувчининг жамоада ўз ўрнини топишга имкон беради.

Умумтаълим мактабларда методбирлашма фаолиятини тўғри ташкил этиш яъни бошланғич таълим, синф раҳбарлари йўналиши ҳамда бир бирига яқин бўлган фанлар туркуми бўйича методбирлашмалар фаолияти таълим муассасасида ўқув дастурлари мазмунини янги педагогик технологиялар асосда ишлаб чиқишга қаратилганлиги илмий изланишларни ташкиллаштиради. Касбий маҳоратни такомиллаштириш эса дарс беришнинг турли методлари, мактабнинг ўқув методик ва моддий ривожлантириш борасида тавсиялар бериб боради. Педагогик ходимларни иш тажрибаларини оммалаштиради, ёш мутахассислар билан ишлайди. Йўналишлар ва фанлар бўйича методбирлашмалар ҳисоботини эшитиш, муҳокама этиш улар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар беради.

Методбирлашма ўқитувчиларнинг касбий ва методик маҳоратини ошириш ўқувчиларга бериладиган таълим ва тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этилишини таъминлаш борасида ўзаро тажриба алмашиш, ижодкорлик йўналишидаги изланишларни ривожлантириш ва бирлаштириш педагогларнинг дарсларга тарбиявий соатларга дарсдан ташқари тадбирларга қўйиладиган ягона талабларни ишлаб чиқиш ва таълим тарбия жараёнига тадбиқ этилишини таъминлайди.

Методик ишда кенг тарқалган камчиликлардан бири айниқса ўз методик билимларини такомиллаштириши зарур бўлган ўқитувчиларнинг сушт фаолият кўрсатишидир. Шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, бирор тажрибали ўқитувчи маъруза тайёрлайди, очик дарс ўтказади, тажрибаси кам, янги келган ўқитувчиларга фойдали маслаҳатлар берадилар. Тажрибаси кам

ёки ёш ўқитувчилар буларни барчасини кунт билан ўзлаштирмайдилар. Натижада тажрибали ўқитувчининг методик маҳорати янада ортиб боради, ёш тажрибаси кам ўқитувчи бир жойда депсиниб тураверади. Бундай ўқитувчилар ўз устида мустақил ишлай олмайдилар, ижодий изланишдан маҳрум бўлиб қолади.

Умумий урта таълим мактаби фан Методика бирлашмалари тугрисида НИЗОМ

1. Умумий қоидалар.

1.1. Умумий урта таълим мактабларида бошлангич таълим йуналиши ҳамда фанлар ёки бир-бирига яқин булган фанлар туркуми буйича методика бирлашмалари фаолият курсатади.

1.2. Методика бирлашмаларининг мақсади ўқитувчиларнинг методик ва касбий маҳоратларини такомиллаштириш. Ўқувчиларга таълим-тарбия беришга қўйилган ҳозирги замон талабларини таъминлаш борасида узаро ёрдамни ташкил қилиш, ижодий ташаббусларни ўйгунлаштириш ва таълим-тарбия беришнинг замонавий усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

1.3. Методика бирлашмалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси «Таълим туғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим бошқарув органлари ва таълим муассасаси томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар, «Ўзбекистон Республикасида Умумий урта таълим туғрисида Низом» ва Умумий урта таълим муассасасининг Устави ҳамда ўшбу Низомга амал қилади.

2. Методика бирлашмаларининг асосий вазифалари.

2.1. Тегишли йуналиш ёки ўқув фанини ўқитишга доир меъёрий ҳужжатларни урганади, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш усулларини курсатиб беради.

2.2. Ўқитувчиларнинг гоёвий-назарий билим даражасини оширади, уларни фан ютуқлари, педагогик инновациялар, илмий оммабоб адабиётлар билан мунтазам таништириб боради.

2.3. Фанлар буйича тақвимий-мавзуй режаларни тасдиқлашга тавсия этади.

2.4. Оралиқ ва якуний назоратлар учун ўқитувчилар томонидан тайёрланган синов материалларини тасдиқлайди.

2.5. Илгор ўқитувчилар иш тажрибаларини ўрганишни ташкил қилади ва оммалаштиради.

2.6. Давлат таълим стандартлари талабларини, ўқув режа ва дастурлари бажарилишига методик ёрдам курсатади.

2.7. Халк таълими вазирлиги томонидан тавсия этилган мукобил дарсликларни муҳокама қилади ва улардан бирини танлаб фан уқитувчиларига амалда куллаш учун тавсия этади. Зарур бўлган ҳолларда мукобил дарсликлардан бирига буюртма беради.

2.8. Ташки ва ички назорат натижаларига кура ДТС талаблари бажарилишида уқувчиларнинг билим, қуникма ва малакаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилайди ва бажарилишини назорат қилади.

2.9. Тегишли йуналиш ёки фан бўйича таълим муассасаси методик таъминотга бўлган эҳтиёжини аниқлайди.

2.10. Уқувчиларга чуқур билим, қуникма ва малакаларини шакллантиришга ёрдам бериш мақсадида уқитишнинг илгор усулларини жорий этишни ташкил қилади.

2.11. Дарсларни узаро қузатишларни ташкил қилади, натижаларини таҳлил қилади ва мутахассисларга амалий ёрдам беради.

2.12. Уқитиш методларини урганиш мақсадида очик дарсларни ташкил қилади, илгор педагогик тажрибаларга доир таклифларни урганади, умумлаштиради ва оммалаштиради.

2.13. Уқув жараёнига уқитиш методикасининг замонавий ва самарали усулларини олиб қиради, уқув фани бўйича янгиликларни куллашга доир мунтазам равишда методик курсатмалар бериб боради.

2.14. Ёш мутахассисларга методик ёрдам беради.

2.15. Қурғазма ва курсатмали воситалардан фойдаланиш бўйича методик тавсиялар беради.

2.16. Уқувчилар билимини назорат қилиш ва уларнинг мустақил ишларини ташкил қилишга доир йўлланмалар беради.

2.17. Янги уқув дастури, дарслик, методик қуланма ва бошқа методик ишларнинг янги нашрларини, шунингдек, фанга доир мақолаларни урганади ва муҳокама қилади.

2.18. Назорат турларига доир методик курсатмалар беради ва улар асосида назорат топшириқларини ишлаб чиқишни ташкил этади.

2.19. Уқитувчиларнинг уз устида ишлаш, малака ошириш ва ижодий хизмат сафарлари бўйича ҳисоботларини эшитади.

2.20. Фан уқитувчиларини самарали меҳнатларини инобатга олган ҳолда маънавий ва моддий рағбатлантиришга тавсия қилади, шунингдек, аттестация жараёнида уз ҳулосасини беради.

2.21. Уқувчиларнинг ДТС ва уқув дастури ҳажми доирасида билимларини баҳолашда мавжуд мезонларга риоя этишни назорат қилади.

2.22. Фанлар бўйича мактаб микёсида ҳафталиклар ташкил қилади, фан олимпиадаларининг биринчи босқичларини, қурик-танловларни утказади.

2.23. Фанлар бўйича синфдан ташқари (факультатив, тугарак) ишларни мувофиқлаштиради.

2.24. Фан ҳоналарининг меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида жиҳозланишини ташкил этади.

2.25. Укувчиларнинг дарс жараёнида техника хавфсизлик коидаларига риоя қилиш талабларини ишлаб чиқади ва назорат қилади.

3. Методика бирлашмалари ишини ташкил этиш ва унга рахбарлик қилиш.

3.1. Умумий урта таълим мактабларида Методика бирлашмалари бошлангич таълим йуналиши бўйича битта, 5-11-синфларда эса укув режасидаги алоҳида фанлар бўйича ташкил этилади. Агар у ёки бу фан бўйича уқитувчилар сони уч нафардан кам бўлса, у ҳолда ушбу фан уқитувчилари шу туркумдаги фан уқитувчилари билан биргаликда битта Методика бирлашмага бирлашадилар.

3.2. Мактабнинг ҳар бир уқитувчиси (шунингдек, уриндошлик тарикасида ишлаётган уқитувчилар ҳам) уз йуналишлари ёки тегишли фанлар (фанлар туркуми) бўйича Методика бирлашмасига аъзо бўлишлари шарт.

3.3. Методика бирлашмасига мактаб Педагогика кенгаши қарорига асосан ижодкор ва тажрибали уқитувчилардан мактаб директорининг бўйруғи билан рахбар тайинланади.

3.4. Методика бирлашмалари фаолияти директорнинг укув (методик) ишлари бўйича уринбосари рахбарлигидаги мактаб методика кенгаши томонидан мувофиқлаштирилиб борилади. Ҳар бир фан ва йуналиш бўйича Методика бирлашмасининг рахбари мактаб методика кенгашининг аъзоси ҳисобланади.

3.5. Методика бирлашмаларининг йиллик иш режаси туман ХТБ қошидаги Методика кабинети курсатмаси ҳамда уқитувчилар тавсия қилган методик мавзулар асосида тузилади. Иш режа тузишда уқитувчиларнинг мустақил билимларини ошириш мавзулари ҳам эътиборга олинади.

3.6. Методика бирлашмаси йиғилиши бир ойда камида бир марта ўтказилади.

3.7. Методика бирлашмаси йиғилишларида белгиланган масалалар қуриб чиқилади ва қарор қабул қилинади. Йиғилишлар баёни алоҳида дафтарга ёзиб борилади.

3.8. Методика бирлашмалари турли мавзуларда семинар-машгулотлар, маълум мавзуларга бағишланган туркум очик дарсларни ташкил қилиши мумкин.

3.9. Укув йили охирида Методика бирлашмаси фаолиятига оид барча ҳужжатлар директорнинг укув (методика) ишлари бўйича уринбосари томонидан таҳлил қилинади.

3.10. Йиғилишлар баёнлари дафтари, бирлашма иш режаси ва ҳисоботи мактабда 3 йил муддат сақланади.

4. Методика бирлашмасининг ҳуқуқлари.

4.1. Мактаб раҳбариятига дарс соатлари таксимоти, фан хоналари масъулларига қушимча ҳақ тулаш ва фан тугаракларини ташкил қилиш юзасидан таклифлар беради.

4.2. Айрим фан ёки йуналишлар бўйича чуқурлаштирилган билимлар берадиган синфлар очиш бўйича таклифлар беради.

4.3. Маҳаллий укув материаллари асосида белгиланган тартибда укув дастурига тегишли узгартиришлар киритади.

4.4. Айрим фанлар чуқурлаштирилиб уқитиладиган синфлар мавжуд мактабларда йуналишлар бўйича махсус дастурлар ва якуний назорат материалларини тайёрлайди.

4.5. Методика бирлашмаси аъзоларининг малакасини оширишга доир таклифлар беради.

5. Методика бирлашмаси аъзоларининг бурчлари.

5.1. Хар бир уқитувчи камида битта Методика бирлашмасига аъзо бўлиши ва касбий маҳоратини оширишга қаратилган индивидуал дастурга эга бўлиши керак.

5.2. Методика бирлашмаси аъзоси унинг йигилишларида ва барча тадбирларида қатнашиши зарур.

5.3. Методика бирлашмаси аъзоси педагогика фаолиятида уз-узини таҳлил қилиб бориши керак.

6. Методика бирлашмаси ҳужжатлари.

Методика бирлашмаси фаолиятига доир қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт:

6.1. Методика бирлашмаси аъзолари ҳақида маълумот.

6.2. Иш режаси.

6.3. Йигилиш баённомалари.

6.4. Ҳисоботлар.

6.5. Методика бирлашмаси фаолиятига алоқадор бўлган укув-методик ҳужжатлар нусхаси.

6.6. Методика бирлашмасига юқори ташкилотлардан қелиб тушган укув-методик ҳужжатлар нусхаси.

«Методист мактаби»ни ташкил этиш бўйича йўриқнома

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплек-сининг 2008 иил 18 февралдаги 07-1 -20-сонли мажлиси баёни билан 2008-2009 йилларда узлуксиз таълим тизимини модерни-зациялаш ва таълим-тарбия самарадорлигани янги сифат да-ражасига кўтариш бўйича чора-тадбирлар дастурининг тасдиқ-ланиши методистлар зиммасига ҳам масъулиятли вазифа юкла-ДИ.

Бугунги жараён методистлардан таълим-тарбия ишига ян-гича муносабатда бўлиш, касбий жиҳатдан етук методик жи-ҳатдан маҳоратли, инновацион, замонавий технологияларни таъ-лим жараёнига жорий этиш методларини яхши билишини та-қозо этмоқда.

Методистларнинг касбий тайёргарлик даражасини чуқур-лаштириш, назарий, методик, маънавий, маданий йўналишдаги билим, кўникма ва малакаларини ҳамда уларнинг педагогик, психологик маҳоратини ошириш мақсадида Республика таълим маркази ва вилоят методика марказларида Методист мактаблари ташкил этилади.

Методист мактаби фаолияти жамоатчилик асосида ташкил қилиниб, машғулотлар техник воситалардан унумли фойдалан ган ҳолда ўқув-семинар, баҳс-мунозара шаклларида олиб борилади.

Методист мактабларининг асосий вазифалари: • «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дас тури тўғрисида»ги қонунлар талабларига асосан методистлар-нинг касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш;

- аниқ мақсадга йўналтирилган дастур асосида ўқувлар ташкил этиш;

■ таълим муассасалари ходимларининг ахборот ва методик таъминотга бўлган эҳтиёжлари мониторингини олиб бориш ва шу асосда режа тузиш ишларини ўргатиш;

■ таълим муассасаларининг методик ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш йўллари белгилаб бериш;

• илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш ишларини тўғри амалга оширишни ўргатиш;

• методистларни методик, бадиий адабиёт ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодлари ҳамда инновацион тажрибалар билан таништириш;

• ўқитувчи ва раҳбарлар малакасини, касбий маҳоратини оширишни режалаштиришда эҳтиёжни ўрганишни ташкил этишахборот-методик ёрдам бериш йўллари кўрсатиш;

■ таълим муассасалари методик кенгаш, методбирлашма ва туман фан уюшмалари ишларини ташкил этиш усулларини ўргатиш;

■ таянч мактабларини белгилаш. Бу мактабларда илмий-амалий конференциялар, фестиваллар, кўрик-танловлар ташкил этишни ўргатиш;

• таълим муассасаларида методик ишларни мувофиқлашти-риш ишларини амалга ошириш бўйича билимларини ошириш.

Методист мактабларининг ўқув машғулоти Халқ таълим вазирлиги буйруғи асосида ташкил этилади. Машғулоти ўтказиш жойи, муддати, сифатли ва самарали ўтказишни таъминлаш учун маъсул шахс белгиланади.

Методист мактабида машғулоти методистларнинг лавозим вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фанлар йўналишида дастур асосида амалга оширилади.

Методист мактаблари А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда машғулоти каскад усулида Республика таълим маркази ва вилоят методика марказларида ташкил этилиб, ҳар чоракда йўналишлар бўйича 24 соатли машғулоти ўтказилади

Методист мактабида ўқув-машғулоти ташкил этишда аввал вилоят бўйича методистларнинг йўналишлар бўйича рўйхати тузилади. Мактаб ўқишига иштирокчиларни жалб қилиш ҳудудий методика марказлари директори томонидан ҳал қилинади.

Ўқув машғулоти кунига 8 соатдан 3 кун давомида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда амалга оширилади.

Методист мактабларида машғулоти ўтишга жалб этилган педагоглар аввал Республика таълим марказида ташкил этилган Методист мактабида ўқитилади, уларга махсус сертификат берилади.

Методист мактабида машғулоти ўтказишга маъсул шахс машғулоти белгиланган муддатда ўтказилиб бўлгандан сўнг, Республика таълим марказига машғулоти методистларнинг ўтказилиши юзасидан, тингловчилар ва машғулоти ўтказувчи педагоглар ҳақида маълумот тақдим этади.

Тингловчилар машғулотида ўзларининг назарий ва амалий билимларини ошириш билан бирга, муваффақият равишда тавсиялар, Низомлар ишлаб чиқиш, анкета саволларини таҳлил қилиш йўллари йўналиб, касбий маҳоратларини ошириш бўйича индивидуал режа тузилади.

Республикада Методист мактабини машғулоти ўтказиш жадвали

№	Фан ва йўналишлар номи	Ўтказиш муддати	Ўтказиш жойи
1.	Филология йўналишдаги фанлар (она тили ва адабиёт, ўзбек тили, рус тили)	2009 йил октябрь	Республика таълим маркази
2.	Аниқ фанлар йўналиши (математика, информатика)	2010 йил январь	Республика таълим маркази
3	Табий фанлар (физика, кимё, биология, география)	2010 йил февраль	Республика таълим маркази
4.	Хорижий тиллар (инглиз, немис, француз тиллари)	2010 йил июнь	Республика таълим маркази
	Ижтимоий фанлар йўналиши (тарих, ҳуқуқ, иқтисодий билим асослари, миллий истиқлол ғояси)	2009 ноябрь	Республика таълим маркази

6	Эстетик йўналиш (музыка, гасвнрий санъат, меҳнат таълими)	2009 йил декабрь	Республика таълим маркази
7.	Жисмонин тарбия йўналиши	2010 йил июль	Республика таълим маркази

Методист мактабларининг машғулоти куйидаги жадвалга мос равишда вилоятларда ўтказилади.

Методист мактабининг ўқитиш дастури

№	МАВЗУЛАР	С-т	Машғулоти тури	Қўтилаётган натижа
1	Методистнинг вазифалари ва иш ҳужжатлари	3	1 соат назарий 2 соат амалий	Методистларга вазифаларни тушунтириш орқали улар амалга ошириладиган иш шакллари билан танишадилар ва ҳужжатлар билан ишлашни ўрганадилар.
2	Иш режасини тузиш ва бажарилиши юзасидан мониторинг олиб бориш	2	1 соат назарий 1 соат амалий	Иш режасини тузишга оид тушунча оладилар, бажарилишини назорат қилиш мониторингини олиб бориш бўйича билимларини оширадилар.
3.	Ўқув режа, ДТС ва ўқув дастурлардаги ўзгартиришлар ва уларни ўқув жараёнига татбиқ этишда методист фаолияти	2	1 соат назарий 1 соат амалий	Ўқув режа ва дастур билан танишадилар. амалий ишлаш орқали тушунчага эга бўладилар.
4	Педагогларнинг маҳоратини аниқлаш мезонлари ва уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш йўллари	2	1 соат назарий 1 соат амалий	Педагогларнинг маҳоратини аниқлаш мезонлари билан таниша-дилар ва оммалаштиришга оид билимга эга бўладилар.
5.	Методистнинг аналитик ишлари ва методик ёрдам бериш шакллари	2	1 соат назарий 1 соат амалий	Методистларга иш фаолиятини таҳлил қилиш йўллари ўртатилади ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш шакллари билан танишадилар.
6.	Кўрик-танловлар ва семинар-ўтқишларни ташкил этиш усуллари ва уларнинг ҳужжатларини тайёрлаш	2	1 соат назарий 1 соат амалий	Кўрик-танлов ва семинар-ўтқишларни ўтқизишда танқиткорлик ишлари билан танишадилар ва ўтқизиш йўллари ҳақида тушунчага эга бўладилар.
7.	Малака ошириш ишлари-ни ташкил этиш	2	1 соат назарий 1 соат амалий	Малака оширишда эҳтиёжни ўрганиш, эҳтиёж асосида режалаштириш ва малака ошириш курсидан кейинги амалга ошириладиган иш шакллари билан танишадилар.
8.	Умумтаълим мактабларидаги методик ишларга раҳбарлик қилиш	2	1 соат назарий 1 соат амалий	Умумтаълим мактабларидаги методик ишлар юзасидан билимга эга бўладилар
9	Фан уюшмалари ва таянч мактаблар	2	1 соат назарий 1 соат амалий	Фан уюшмалари ва таянч мактабларининг ва вазифалари, уларнинг фаолиятини назорат қилиш, йўлга қўйиш методларини ўрганадилар.

10	Республика таълим марказининг фан бўлимида ишлаш	3	амалий	Фан бўлимларнинг иш фаолияти билан танишадилар, улардаги амалга оширилган ишлар юзасидан фикр алмашадилар.
11	Ўтилган манзулар бўйича реферат тақдироти	2	тақдирот	Берилаган мавзулар асосида тақдирот қилиш орқали уларнинг билимлари аниқланади.
	ЖАМИ	24	9 соат назарий 15 соат	

Изох: ҳар бир фан йўналишлари бўйича дастур фанларга йўналтирилган ҳолда машғулотлар ташкил этилади.

Хулоса.

Мактаб раҳбарлари, методбирлашмалар ва тажрибали ўқитувчилар ёш ўқитувчиларга мустақил ўқишни тўғри ташкил этиш сирларини кўрсатиб бериши лозим. Педагоглар кенгаши фақат коллектив маслаҳатчи бўлиб қолмай ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини оширишда коллектив ташкилотчи ҳамдир. Шу сабабли педагоглар кенгашида ҳамма ўқитувчиларни мустақил педагогик фаолият билан ишлашларини талаб этади ва вақти-вақти билан ҳисоботи эшитилиб борилади.

Кўп ҳолларда малака оширишнинг ҳар хил шакллари ҳақида гапириб баъзан муҳим масалани – ўқитувчининг мустақил ўқиши унутиб қўйилади.

Педагог кадрларни узлуксиз малакасини ошириш тизими асосида ишлашни самарали ташкил этиш тизimini яратиш, умумтаълим мактабларида **методбирлашма фаолияти мисолида** ўқитувчилар ўзининг умумий савияси ва билимидаги камчиликларга ўз тажрибаси ва кўникмаларининг қайси даражада эканлигига, илмий ва бадиий адабиётлар ва бошқа манбалар устида мустақил ишлай олиш ва қобилиятларига қараб маълум бир вазифаларни белгилаб олишини тامينлайди.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 16 томлик танланган асарлари.
2. Халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари ва педагогларни қайта тайёрлаш ва малака оширишга қўйилган давлат талаблари.- А.Авлоний номидаги ХТХқТМОМИ 2009 йил.

3. Шарифхўжаев М.Ш, Абдуллаев Ё. “Менежмент”.- Дарслик. 2001йил.
4. Шарифхўжаев М.Ш. Менежмент. Юз саволга юз жавоб.-Т: “Меҳнат”, 2000йил.
5. Йўлдошев Ж./, Усмонов С. Таълим менежменти.-Т, 2006 йил.
6. Ахлиддинов Р.Ш. Мактабни бошқариш санъати.-Т: “Фан”, 2006 йил.
7. Таълим тараккиёти журнали 2002 йил №-3 УзР ХТВ 2002 йил 8 июл 109-сонли